



Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил январь ойи давомида йўл-транспорт ҳодисаларининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 166,7 фоизни ва бунинг оқибатида ҳалок бўлганлар сони 433,3 фоизни, жароҳат олганлар сони 200 фоизни ташкил этганлигини ҳисобга олган ҳолда, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”ни ўтказиш таклифига розилик берилсин.

2. 2018 йил 1 мартдан 2018 йил 1 апрелгача “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” ўтказилиши эълон қилинсин.

3. “Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги” асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга кенг оммани жалб этиш, улар орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ошириш;

йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган коидабузарликларни аниқлаш, уларга қонуний чоралар кўриш ва қайта коидабузарликларга йўл қўймаслик борасида тушунтиришлар бериш;

ҳайдовчиларни эътиборли бўлиш ва йўл ҳаракати коидаларига амал этишларига чақирувчи панно, плакат, автомобил ва фоторадар муляжлари сонини кўпайтириш;

автомобил йўлларининг ҳолати белгиланган меъёрий талабларига жавоб беришини назорат қилиш, аниқланган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш;

ҳайдовчиларни тайёрловчи муассасаларида ўқитиш сифатини ошириш ва ўқув моддий базасини тўлиқлаштириш.

4. Вазирликлар, давлат қўмиталари, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига:

ўтказиладиган йиғилишларда транспорт воситалари техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини ва ўз ходимларининг йўл ҳаракат коидаларига сўзсиз амал қилишларига оид аҳволни ўрганиб чиқиб, ушбу борадаги ишларни яхшилашга доир тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ойликни ташкил этиш, ўтказиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, унда фаол иштирок этган жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантириш ишлари амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5. Туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимларига;

“Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”ни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тузиш;

ойликни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш, уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идораларнинг вазибаларини белгилаш;

йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган болалар автошаҳарчаларини белгиланган тартибда барпо этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш;

-жамоат транспорти ва аҳоли гавжум жойларда ойлик ўтказилаётгани ҳақидаги реклама ёзувлари, плакатлар жойлаштирилишини таъминлаш;

-ҳар ўн кунда ойликнинг боришини муҳокама этиш ва унда мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилишини йўлга қўйиш ҳамда жамоатчиликни ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга кенг жалб этиб бориш топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши;

“Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”нинг боришини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш, ойликнинг тарғиб қилувчи махсус видеоролик тайёрлаиб, унинг тадбир давомида мунтазам равишда намойиш этиб борилишини таъминлаш;

жойларда ойликнинг ўтказилишини ўрганиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатилишини тарғиб қилиш бўйича ҳамкорликда рейдлар ташкил этиш;

мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракат қоидаларининг ўргатилишини назорат тартибида текшириб, уларни такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

“Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги”ни тарғиб қилувчи плакатлар, буклетлар, таквимлар ва бошқа кўргазмалар воситаларнинг белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан чоп этилишини ташкил қилиш;

ўзаро ҳамкорликда маҳаллаларда йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларнинг бажарилишини таъминлаш топширилсин.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, ташкилот ва муассасалар, туманлар ва Нукус шаҳри ҳокимликлари ойлик давомида амалга оширилган ишлар ҳамда уларнинг натижалари бўйича ахборотларни умумлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига 2018 йил 2 апрелгача тақдим этиш топширилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига, умумлаштирилган таҳлилий ахборотни Қорақалпоғистон Республикаси йўл

ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясига 2018 йил 5 апрелгача киритилишини таъминласинлар.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси Раиси С.И.Нагметов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси**

Қ.Сариев

